



Нега жамғарма маблағидан мақсадли фойдаланилмаяпти?

3-с.

Тўрт йилдирки, мурожаатлар маҳалладан ташқарига чиқмаган

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№36
(2364)

2026 йил
2 МАЙ,
ШАНБА

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”

МАҲАЛЛА ҚИЁФАСИ ЭМАС, ИНСОНЛАР РУҲИЯТИ ҲАМ ЯНГИЛАНДИ

Янги Ўзбекистонда маҳалла ўзгаришлар майдони, янгиланишлар кўзгуси, инсон қадрли улуғланадиган манзилга айланди.



Б уни Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Тошлоқ” ва “Ҳожибод” маҳаллалари мисолида яққол кўриш мумкин. Йиғинларни “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”га айлантириш учун ҳар бирига 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилди. Фикримизни “Тошлоқ” маҳалласи мисолида давом эттирсак. Мазкур йиғин узоқ йиллар давомида эътибордан бироз четда қолиб, инфратузилма ва ижтимоий масалалар йиғилиб борган ҳудудлардан бири сифатида шаклланган эди. Йуллар аҳоли, электр ва ичимлик сув таъминотидаги зулматлар, маҳалла инфратузилмасининг эскирган ҳолати аҳоли турмуш сифатини пасайтирарди. Айни шу шароитда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” ташаббуси муаммоларга тизимли ечим бўлиб кириб келди.

Давоми 2-саҳифада.

4-саҳифа



“ҚАЙНОТА ЎЗ КЕЛИНИГА ОТАДЕК БЎЛСА...”

Миллий руҳ ва замонавий тафаккур уйғунлиги

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Янги Ўзбекистон: маҳалла, аъёнлар ва инсоний қадриятлар” кўрик-танловининг Республика финал босқичи ташкил этилди.

Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур ва бошқалар сўзга чиқиб, тасвирий санъат ҳаётимызда фақат эстетик завқ манбаи эмас, балки маънавий-мафкуравий таъсир кучига эга муҳим ижтимоий ҳодиса экани, у инсоннинг ички дунёси, тафаккурини шакллантиришини қайд этишди.



Танлов Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан Бадий академия, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ешлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Унда 21 ёшдан юқори бўлган ижодкорлар фаол иштирок этиб, маҳалла институтининг жамиятдаги ўрни, миллий қадриятлар, аъёна ва урф-одатлар, инсонийлик, меҳр-оқибат каби мавзуларни ўз асарларида юксак бадий савияда акс эттирди.

Давоми 2-саҳифада.



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БУГУНГИ СОНДА:

Оила куриш шошқалоқликни эмас, тайёргарликни талаб қилади

Вояга етмаганлар билан никоҳ тузишга даъват қилиш, уни тарғиб этиш ёки қизиқтириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Ундирилган жариманинг 15 фоизи хабар берган шахсларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

5-с.

Ҳам руҳий далда, ҳам холис хизмат

Ногиронлиги бўлган кишилар доим эътибор ва парваришга муҳтож бўлади. Мунтазам равишда сифатли хизмат кўрсатиш уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ҳамда тўлақонли турмуш кечиришига замин яратиши шубҳасиз. Айниқса, руҳий ҳолати бузилган беморларга бу борада алоҳида ёндашув зарур.

6-с.

Баҳо “5” бўлгани билан билим “аъло” бўлмаса қийин

“Шифокор, асосан, болалар буйрағидаги тош касалликлари, туғма норақалиқлар ва уларнинг асоратларини бартараф этиш йўллари устида узоқ йиллар изланди. Бу борада чуқур илмий ва ҳаётий хулосаларга келди. Яқинда суриштириб кўрдим: у шу пайтгача қарийб қирқ минг муолажа ўтказган. Қирқ минг тақдир!”

7-с.

МУАММОНИ ЯШИРМАДИК ВА МАНЗИЛЛИ ИШЛАДИК — НАМУНА БЎЛИШИМИЗНИНГ СИРИ МАНА ШУ!


Расмий ёндашув эмас, самимий суҳбат кўплаб оилаларни сақлаб қолишга хизмат қилди

Маҳалла раиси сифатида иш бошлаган дастлабки кунларимдаёқ бир нарсани англадим: муаммони яшириш ёки уни юмшатиб кўрсатиш орқали ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир оила кесимида ҳолатни ўрганиш, ижтимоий дафтарлар тизимидан самарали фойдаланиш орқали аниқ манзилли рўйхат шакллантирилди.

Биз эришган ижобий натижалар, аввало, муаммоларни тўғри аниқлаш, уларни яширмаслик ва ҳар бирига манзилли ёндашиш орқали таъминланди. Жараёнда ҳар бир оила индивидуал тартибда ўрганилди. Қайси оилада ажралиш хавфи борлиги, қайси ёшлар ишсиз экани, қимлар ижтимоий ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгиланган олинди. Энг муҳими, маълумотларга асосланган бошқарувни жорий этдик. Ҳар ойда ижтимоий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, қайси йўналишда оқсаш борлиги аниқланди. Бу қарорларни таҳминга эмас, аниқ рақамларга асосланиб қабул қилиш имконини берди.

Мисол учун, оилавий ажралишларнинг олдини олишда асосий эътибор профилактикага қаратилди. Яъни муаммо кўчаиб кетгандан кейин эмас, илк босқичдаёқ аралашиб йўли танланди. Шу мақсадда “Оила мактаби” орқали ёш оилаларга ҳаётини кўникмалар берилди, тажрибали нурунийлар, отинойилар ва психологлар жалб қилинди, можароли оилалар билан индивидуал иш олиб борилди. Бу жараёнда энг муҳим омил — ишончли мулоқот бўлди. Расмий ёндашув эмас, самимий суҳбат кўплаб оилаларни сақлаб қолишга хизмат қилди. Шу ёндашув ўлароқ жорий йилнинг ўтган даврида бирорта оилавий ажралиш қайд этилмади.

Давоми 2-саҳифада.



Қирғизистон ва Ўзбекистонни боғлайдиган ЯНГИ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАГИ барпо этилади.



“Тошкент — Хива” йўналишида “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” тезура пар поезди қатнай бошлайди. Бир томонга чипта нархи 780 минг сўм бўлади.



Умра зиёратига бориш истагида бўлган фуқаролар учун “ХАЖ ВА УМРА ЯҒОНА ПОРТАЛИ” орқали рўйхатдан ўтиш мажбурий этиб белгиланди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ТАНЛОВ

МИЛЛИЙ РУҲ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

аъкидлаш жоизки, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми янги ижодий ташаббуслар учун муҳим ҳуқуқий ва амалий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат Янги Ўзбекистон қиёфасини бадий ифодада тараннум этиш, тасвирий санъат орқали юрт раванқини акс эттиришни рағбатлантиришга қаратилган.

Танловнинг маҳалла босқичида 9 415 нафар иштирокчи 10 мингдан зиёд рангтасвир асарлари билан қатнашди. Иштирокчилар яратган ранг-тасвир асарлари сараланиб, туман (шаҳар) ташкилий қўмиталарига тақдим этилди. Бу жараёнда маҳалла раислари ва ёшлар етакчилари ижодкорларни кенг жалб этиш, асарларни қабул қилиш ҳамда саралаш ишларини юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди. Жараёнда 1 040 та энг яхши асар республика босқичига йўл олди. Финалда уларнинг 201 таси сараланиб, махсус каталогга киритилди.

Яқин натижаларга кўра:

- 1-ўрин — Фарғона туманидаги “Ҳосилот” маҳалласидан Отабек Шокировга (автомобиль ва диплом);
- 2-ўрин — Термиз шаҳридаги “Боғизор” маҳалласидан Турсункул Шоймардоновага (50 миллион сўм пул мукофоти ва диплом);
- 3-ўрин — КеҒейли туманидаги “Жанабазар” маҳалласидан Нуржау Дуйсенбаевага (30 миллион сўм пул мукофоти ва диплом) насиб этди.

Шунингдек, “Энг яхши оригинал ғоя”, “Энг яхши график расом” ва “Энг яхши ранг-тасвирчи расом” номинациялари бўйича ғолиблар тақдирланди.

Танловнинг маҳалла босқичлари унинг энг муҳим ва халққа яқин қисми бўлди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи Жамшид Чориев. — Чунки айнан маҳаллада ижодкорлар биринчи бор ўз ишларини тақдим этиш имкониятига эга бўлишди. Бу босқич орқали минглаб ёшлар ва истеъдодли расомлар қамраб олинди, кенг оммавийлик таъминланди. Бу жараёнларда маҳалла фақат ташкилотчи эмас, балки истеъдодларни аниқловчи, қўллаб-қувватловчи ва йўналтирувчи бўлган сифатида намоён бўлди. Маҳалла раислари ва ёшлар етакчилари фаол иштироки тўғрисида таллош юқори савияда ўтказилди.



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МУАММОНИ ЯШИРМАДИК ВА МАНЗИЛЛИ ИШЛАДИК — НАМУНА БЎЛИШИМИЗНИНГ СИРИ МАНА ШУ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ёдгорхон Йўлдошева, Қува туманидаги “Ифтихор” маҳалласи раиси.

Ижтимоий муаммоларнинг илдизи кўп ҳолларда иқтисодий омилларга бориб тақалади. Шу боис ишсиз фуқаролар касб-хунарга ўқитилди, имтиёзли кредитлар орқали кичик бизнес қўллаб-қувватланди, “хонадонбай” иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни тамойил асосида йил бошида аниқланган 15 нафар ишсиз шахснинг барчаси ишли бўлди. Шу билан бирга, “бир оила — бир муваффақият тарихи” тамойили жорий этилди. Камбағалликдан чиққан ҳар бир оила мисол сифатида кўрсатилиб, бошқаларга руҳий туртки берилди.



Маълумот учун, маҳалла жиноятчилик ва оилавий ажралишдан ҳоли ҳудуд саналади. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жағфармасида 73,3 миллион сўм маблағ шакллантирилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 63,4 миллион сўмдан зиёди мақсадли сарфланди. Қолаверса, 52 нафар мигрантнинг 42 нафари юртга қайтарилди. “Еттилик”қа йўналтирилган муаммоли масалаларнинг барчаси тўлиқ ҳал этилди. Оммавий спортга аҳоли қарийб 100 фоиз қамраб олинди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”

Маҳалла қиёфаси эмас, инсонлар руҳияти ҳам янгиланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Илгари чанг кўтарилган йўллар ўрнида 8,9 километр асфальт ётқизиши нафақат қатновни енгиллаштиради, балки маҳалланинг ташқи қиёфасини ҳам тубдан ўзгартиради. Коронгу кўчалар ўрнини замонавий чироқлар ёритади, электр таъминоти янги кабеллар, трансформаторлар ва мустаҳкам таянчлар орқали барқарорлашади. 2,6 километр ичимлик сув тармоқларининг тортилиши ҳар бир хонадонга энг катта наъमत — тоза сувни олиб киради. Маҳалла биносининг янгилини эса одамлар билан мулоқот маданияти, хизмат кўрсатиш сифати ва давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қадамдир.



Илгари “Тош-лоқ”ни таърифлаш қийинроқ эди, — дейди маҳалла раиси Фаизалтон Маҳмудова. — Чунки қўллаб масалалар ечимини кутарди. Ҳозир одамлар фақат кузатувчи эмас, жараённинг фаол иштирокчисига айланган. Ҳар бир ишга бепарқ қарамаслик, маҳаллага дахлдорлик туйғуси кучайди. Кечаги “кузувчи” одамлар бугун “иштирок этувчи” фуқароларга айланди. Бу эса биз учун энг катта ютуқ.

“Ҳожибод” маҳалласида ҳам узок йиллар давомида аҳолини қийнаб келган бир қатор ижтимоий масалалар йиғилиб қолган эди. Жумладан, йўлларнинг айрим қисмлари таъмирга муҳтож бўлиб, ичимлик сув ва электр таъминотидаги узиллишлар кундалик турмушда ноқулайликлар келтириб чиқарар, канал буйларининг мустаҳкамланмагани хавфсизлик нуқтаи назаридан кўшимча муаммоларни юзага келтирарди. Шу билан бирга, пидедалар учун қўлай инфратузилма етишмас эди. Бугун эса бу ерда “Янги Ўзбекистон қиёфаси” тушунчаси амалда қандай кўриниш олаётганини яққол кўриш мумкин. Йўллар асфальтланяпти, пидедалар учун қўлай йўлақлар барпо этилмоқда, ичимлик сув ва электр тармоқлари янгиланаётди. Айниқса, Шимолий Фарғона каналининг 500 метр қисми бетонлаштирилаётгани табиий ресурсларга бўлган эҳтиёткор муносабат, келажақ авлод олдидаги масъулият ифодасидир.

ҲАМКОРЛИК

САМАРҚАНДДА ИНДОНЕЗИЯ МАҲАЛЛАСИ ИШ БОШЛАДИ

Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси яқинида янги туризм объекти — “Kampung Indonesia” (Индонезия маҳалласи) ўз фаолиятини бошлади.



Мазкур лойиҳа Самарқанд вилояти ҳокимлиги делегациясининг Индонезияга сафари давомида “EGI Resources” компанияси билан имзоланган меморандум доирасида ташкил этилди. Туристик объекта Индонезиядан келадиган сайёҳларга миллий анъаналарга мос хизмат кўрсатилади.

Индонезия руҳи тўла акс этган мазкур масканда замонавий ва қулай меҳмонхона, шунингдек, ушбу давлат миллий таомларини таклиф этувчи ресторан фаолият юртади. Бу эса меҳмонларга ўз юртидаги муҳитни ҳис этган ҳолда Самарқанд зиёратини амалга ошириш имконини беради.

“Kampung Indonesia” концепцияси доирасида нафақат яшаш ва овқатланиш, балки маданий муҳитни яратиш ҳам устувор вазифа этиб белгиланган. Интерьер ва сервисда Индонезия миллий услуби акс эттирилган бўлиб, бу меҳмонларда ўзига хос илиқлик ва яқинлик ҳиссини уйғотади.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги туризм алоқаларини мустаҳкамлаш, айниқса, зиёрат туризми йўналишида ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу каби ташаббуслар Самарқандни мусулмонлар учун янада жозибдор маскан сифатида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шафтолизор ва Чилангар кўчаларида амалга оширилаётган ишлар маҳалланинг нафақат инфратузилмасини, балки унинг руҳини ҳам янгиламоқда. 5,5 километр асфальт йўл, янги электр тармоқлари, трансформатор пункти — буларнинг барчаси аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, бу ўзгаришлар одамларнинг қалбида акс этаётди.

— “Ҳожибод”нинг бир йил аввалги ва ҳозирги манзарасини ўзаро таққослаб бўлмайди, — дейди маҳалла раиси Нодирбек Асқаров. — Бунёдкорликлар маҳалланинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Лекин энг муҳим ўзгариш, бу — ташқи кўриниш эмас, балки ички руҳиятда. Одамларда ишонч, хайрихолик ва ҳамжихатлик кучайди. Илгари “бу иш қачон бўлар экан?” деган саволлар кўп эди. Ҳозир эса “биз нима қила оламиз?” деган ёндашув устун. Аҳоли ўз маҳалласига бепарқ эмас, аксинча унинг тақдирини ҳам ҳамоҳанг яшамоқда.

Бу сўзларда оддий фикр эмас, балки янги жаҳият руҳи мужассам. Чунки обод кўча, равон йўл ёки ёритилган маҳалла, бу — фақат қўлайлик эмас, инсоннинг қадри, унинг ҳаётига бўлган эътибор, эртанги кунига ишончи демакдир. Шу маънода “Тош-лоқ” ва “Ҳожибод” маҳаллаларидаги ўзгаришлар бир ҳудуд доирасидаги эмас, Янги Ўзбекистоннинг қандай барпо этилаётганини кўрсатадиган жонли намунадир.

Фақат муаммони ҳал қилиш етарли эмас. Муҳими — унга қарши барқарор “ижтимоий иммунитет” яратиш. Бу нима дегани? Бу — ёшларда ҳуқуқий маданиятни ошириш, оилаларда молиявий саводхонликни кучайтириш, “муаммони яшириш эмас, бирга ҳал қилиш” маданиятини шакллантириш демакдир. Қолаверса, маҳалла ва аҳоли ўртасида ўзига хос “ижтимоий шартнома” муҳити пайдо бўлди. Масалан, маҳалла иш ўрни топиб беришга ёрдам беради — фуқаро ишдан бош тортмаслиги керак, ёшлар учун шароит яратилади — улар жиноятчиликдан йироқ бўлиши шарт.

Энг муҳими нима, айтиймоки? Бу — лидерлик ва шахсий намуна. Маҳалла раиси ва “еттилик” аъзолари, фаоллар фақат ташкилотчи эмас, намуна ҳам бўлиши керак. Одамлар раҳбарнинг ҳалоллиги, муаммога муносабати, аҳоли билан мулоқот маданиятига қараб ҳулоса қилади. Агар раҳбар ҳалол, фаол ва халқ билан бирга бўлса, жамоа ҳам шу йўлдан боради.

Ҳар қандай маҳалла намунали даражага етиши мумкин. Бунинг учун тўғри ёндашув, тизимли иш ва жамоавий ҳаракат бўлса бос. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир маҳаллада “ривожланиш йўл харитаси” ишлаб чиқиши, маҳалла раислари учун амалий тажриба алмасув майдонлари яратилиши керак. Психологик ва ижтимоий хизматларни маҳалла даражасига тушириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатдики, муаммоларни алоҳида-алоҳида эмас, балки ягона тизим сифатида ҳал этсақгина барқарор натижага эришиш мумкин. Энг муҳим ҳулоса шу: маҳалла, бу — ишонч, масъулият ва ҳамжихатлик масканидир. Агар манзилли ишлаш, жамоавий ёндашув, иқтисодий фаоллик ва инсонларга ишонч уйғунлашса, ҳар қандай маҳалла намунали масканга айланиши мумкин.



Саифулла “Mahalla” муҳбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Хукумат қарори билан тадбиркорлар учун имтиёз ва преференцияларнинг ЯОНА РЕЕСТРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ тартиби белгиланди.



Президент фармониға кўра, электр энергияси ва табиий газни истеъмолчиларни тармоқдан ажратиш ва ЧЕКЛОВ КИРИТИШ ҲИСОБИДАН ТЕЖАШГА йўл кўйилмайди.



Ўзбекистонда банк карталари ва криптохамён маълумотларини бошқаларга берганлик учун ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ.

2026 йил
2 МАЙ,
ШАНБА

Mahalla №36

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛА ИҚТИСОДИ

ТОМОРҚА — ДАРОМАД МАНБАИ

Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси, бу — оддий бюджет тармоғи эмас, бу ҳар бир маҳалла фуқароси ҳаётида сезиларли ўзгариш яратиши мумкин бўлган воситадир.

НЕГА ЖАМҒАРМА МАБЛАҒИДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ?

Гулмира ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Фарғона шаҳар бўлими ҳисобчиси.

Йўл, чироқ, ёшларга спорт майдончаси, кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш, тор кўчадаги қудуқ — буларнинг барчаси айнан мана шу маблағлар ҳисобидан ҳал этилади. Шу боис маблағларни тақсимлаш ва сарфлашда шаффоқлик, мақсадли йўналтириш ҳамда ҳар бир сўм учун жавобгарлик масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Фарғона шаҳридаги 74 та маҳалла ихтиёрида жамғарма бўйича жами 3 миллиард 87 миллион сўмдан ортиқ маблағ мавжуд. Бу маблағнинг 458,4 миллион сўми — 2025 йилги қолдиқ сумма бўлса, 2 миллиард 628 миллион сўм — 2026 йилнинг биринчи чорагидаги тушум миқдоридир. Бу маблағнинг 1 миллиард 761 миллион сўми, яъни 57,05 фоизи мақсадли йўналишларда сарфланди.



Ҳудуддаги 74 та маҳалла ўртасида маблағдан фойдаланиш бўйича аниқ фарқлар мавжуд. Бу — ҳар бир “маҳалла еттиллиги”нинг ишчанлиги, режалаштириш қобилияти ҳамда аҳоли билан мулоқот даражасининг ўзига хос индикатори. Чорак якунлари бўйича маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича “Ёшлар”, “Афросиёб”, “Муруват”, “Мададкор” ҳамда Алишер Навоий номидаги маҳаллалар юқори кўрсаткичга эришган.

Айниқса, “Ёшлар” ва “Афросиёб” маҳаллаларининг тажрибаси диққатга сазовор. Бу ерда раислар йил бошидаёқ Маҳалла кенгаши билан бирга аниқ йиллик режа тузишган. Унга мувофиқ, танловларни ўз вақтида эълон қилишган, пудратчиларни шаффоқ танлаб, ишларни қиш мавсуми бошланмасданёқ йўлга қўйишган. Натижада ҳар бир сўм инфратузилма, болалар майдончаси, ёритиш тизими ёки ижтимоий объект қўрилишида моддий шаклга кирган.

Нима учун айрим маҳаллаларда маблағ сарфланмаган? Афсуски, барча маҳаллаларда ҳолат бирдек қувончли эмас. “Кимёгар”, “Ипак йўли”, “Маърифат”, “Баҳор” ва Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллаларда маблағлар жамғармада сақланиб турибди, холос.

Айниқса, “Ёшлар” ва “Афросиёб” маҳаллаларининг тажрибаси диққатга сазовор. Бу ерда раислар йил бошидаёқ Маҳалла кенгаши билан бирга аниқ йиллик режа тузишган. Унга мувофиқ, танловларни ўз вақтида эълон қилишган, пудратчиларни шаффоқ танлаб, ишларни қиш мавсуми бошланмасданёқ йўлга қўйишган. Натижада ҳар бир сўм инфратузилма, болалар майдончаси, ёритиш тизими ёки ижтимоий объект қўрилишида моддий шаклга кирган.

Нима учун айрим маҳаллаларда маблағ сарфланмаган? Афсуски, барча маҳаллаларда ҳолат бирдек қувончли эмас. “Кимёгар”, “Ипак йўли”, “Маърифат”, “Баҳор” ва Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллаларда маблағлар жамғармада сақланиб турибди, холос.

Бу рақамлар ортида турли сабаблар ётади: бирор жойда лойиҳа-смета ҳужжатлари кеч тайёрланган, бирор маҳаллада танлов жараёни чўзилган, баъзи жойларда раис Маҳалла кенгаши ва аҳоли йигинида аниқ устуворликларни белгилашга кеч киришган. Лекин сабаб қандай бўлмасин, бу — қабул қилинадиган ҳолат эмас.

Ҳўш, маблағдан мақсадли фойдаланиш учун нимага эътибор қаратиш керак? Энг аввало, ҳар бир маҳаллада йил бошида аниқ йиллик режа тузилиши шарт. Режа фақат қоғозда қолмаслиги, у Маҳалла кенгашида муҳокама қилиниб, аҳоли орасида эълон қилиниши шарт. Маблағ қаерга, қанча миқдорда сарфлангани ёзма ва оғзак

Иқром ТОШМАТОВ,
Кумкўрғон туманидаги
“Ўзбекистон
беш йиллиги” маҳалласи
хоким ёрдамчиси.

Авваллари хонадонда 5-10 сотих кўшимча ери бор инсонлар ҳам маҳалладан ёрдам сўраб келишдан ор қилмасди. Аҳвол ўрганилганда, тиллога тенг майдон қаровисиз ётган бўларди. Чунки ўн сотих ери бор одамни кам таъминланган ёки камбағал, дейиш хато. Шу боис уларга тўғри тушунтириб, томорқадан рўзгор учун зарур маҳсулот олинса, қони фойда эканини амалда кўрсатиб бердик. Натижада аксарият фуқаролар картошка, пивёз, сабзи, саримсоқтиёз каби экинларни бозордан харид қилишига ҳожат қолмади.

Ҳар қандай юмушнинг ўзига яраша машаққати бор. Аммо ишнинг кўзини билсангиз, меҳнатдан қочмасангиз, албатта, ширин мевасини оласиз. Бу фикр исботини илғор тажрибага эга оилалар мисолида кўриш мумкин.

Бойбўри Остонақулов хонадонига кирсангиз, яшиллик, боғу бўстондан дилингиз яйрайди. Хонадон эгалари имтиёзли кредит эвазига барпо этилган 35 сотихли мўъжаз иссиқхонадан самарали фойдаланади. 50 турдан кўп ноёб гуллар, лимон, мандарин каби цитрус мевалардан юқори даромад олишмоқда. Шу билан бирга, 6 та иш ўрни яратишган. Йилига 3 марта ҳосил йиғилади.



Яна бир маҳалладошимиз Панжи Чўтбоев бундан 3 йил аввал 66 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 8 сотихли иссиқхона барпо этганди. Бугунги кунда ушбу иссиқхонада булғор қалампирни етиштириб, ҳалол меҳнати эвазига даромад топиб келмоқда. Шунингдек, турмуш ўртоғи Мавлуда Хайитова ҳам бўш ўтирмай, уйда тикувчилик билан шуғулланиб, оила бюджетига қўшимча даромад келтирмоқда. Даромад чўғи шунга яраша салмоқли.

Умуман, хонадонларнинг 50 фоиздан ортиғи иссиқхоначиликка ихтисослашган. Шу юмуш орқали аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Бирорта бекорчи инсонни учратмайсиз. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари асосида 200 нафар фуқарога имтиёзли кредит ажратдик. Режалар бундан-да, улкан. Лимончиликка ихтисослашган 5 гектарлик боғ яратиш ҳаракатидамиз. Хулоса шуки, меҳнатдан қочмаган одамнинг уйи ҳам, кўнгли ҳам, маҳалласи ҳам обод бўлади.

ТАВСИЯ

ЗАНГ КАНАСИ — ХАВФЛИ ЗАРАРКУНАНДА



Шодмон НАМАЗОВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“Толиққанда танаффусга чиқиб турсам бўладими?”

Набижон СОТИБОЛДИЕВ,
Ховос тумани:

— Баъзан доимий иш жараёнида инсон толиққади. Табиийки, бу ҳолатда иш унумдорлиги пасайиб кетади. Шу каби вазиятда ходимга дам олиш учун кўшимча танаффус берилдими?



Лазизбек ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:

— Ҳа, Меҳнат кодексига кўра, ҳар бир ходимга 30 дақиқадан 2 соатгача танаффус берилади. Бу вақт иш вақтига киритилмайди. Амалдаги тартибга кўра, ходим танаффус пайтида иш жойидан чиқиб кетиши мумкин. Иш кўни 8 соатдан ортиқ бўлса — 2 та танаффус берилади. Иссиқ ёки совуқда, очик ҳавода ишловчилар учун махсус танаффуслар иш кўни (смена) давомидаги қўшимча танаффус ҳисобланади.

Болани овқатлантириш учун ҳам танаффус берилади. Бундай танаффуслар иш вақтига киритилади. Бу ҳар бир ташкилотнинг ички меҳнат қоидалари билан белгиланади.

Помидор занг канаси (*Aculops lycopersici*) — каналар туркумининг хавфли зараркунанда-ларидан бири бўлиб, айниқса, иссиқ оилларда тез тарқалади.

Ушбу зараркунанда таъсирида маҳсулотнинг сифати пасаяди. Бундан ташқари, мева қўрилишини йўқотади. Айрим ҳолларда чириш бошланади. Энг хавфли жиҳати, кучли зарарланишда ҳосил тўлиқ нобуд бўлиши мумкин. Айниқса, июль-август ойларида помидор ва кечки картошка экинлари кўпроқ зарар кўради. Шунингдек, қора итузум, қизил итузум, қўйпечак ва баклажонга ҳам жиддий зиён етади.

Бу салбий жараён баргларининг устки ва остки қисмида кузатилади. Новдалар кўнғир тусга кириб, силлиқлашади. Сарик доғлар пайдо бўлади. Ҳатто бутун ўсимлик кўнғирлашиб боради.



Саҳиқани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Уй ҳайвонларини умумий фойдаланишдаги ЗИНАПОЯ ВА БАЛКОНДА САҚЛАШ тақиқланди.



Ўзбекистон ва Афғонистон Мозори Шариф шаҳрида давлат-хусусий шериклик асосида ШИФОХОНА ҚУРАДИ.



1 майдан ИНФАРКТ ВА ИНСУЛЬТГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҳудудларда босқичма-босқич амалиётга жорий этилади.

4

Mahalla №36

2026 йил
2 МАЙ,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Тўрт йилдирки, мурожаатлар маҳалладан ташқарига чиқмаган

Маҳаллада янги иш бошлаган кезларим кечагидек ёдимда. Кўчалар лой, эскирган электр тармоқлари салгина ёмғир ёгса узилиб, таъмирталаб ҳолга келиб қолади. Фуқаролар орасида ишсиз, ўз йўлини топа олмаётганлар анчагина эди. Бу муаммоларнинг барчасини бартараф этишни ўз олдимга қатъий мақсад қилиб қўйдим.

Элмурод ЗУЛУНОВ, Пахтабод туманидаги “Учқўрғон” маҳалласи раиси.



Энг муҳими, фуқаролар билан тўғри ишлаш тизимини йўлга қўйдик. Утган вақт ичида ҳудудимиздан бирорта мурожаат маҳалладан ташқарига чиқмади. Оилавий келишмовчилик, кредит олиш, эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш каби масалаларнинг ҳаммаси идоранинг ўзида ҳал этиляпти. Шу орқали одамларимизнинг “еттилик” ходимларига ишончи ортган.

Маҳалла аҳлининг асосий фаолият тури — гулчилик ва иссиқхона йўналиши. Худудимиздаги 40 фоиз хонадон вакиллари айтиш мумкин, меҳнат билан шуғулланиб, даромад топяпти. Уста деҳқонларимизнинг кўпчилиги манзарали буталар етиштириб, республикамизнинг барча вилоятларига етказиб беришяпти.

Бундан бир неча йил аввал маҳалладошимиз Сайдулло Темиров 20 гектар майдонда манзарали кўчатлар етиштиришни бошлаган эди. Соҳанинг сердаромадлиги кўпчилида қизиқиш уйғота бошлагач, одамлар томорқасида мазкур ишни йўлга қўйишга киришди. Бора-бора миришкор бошлаб берган йўл ҳудуд “драйвер”ига айланди.

Айни вақтда Санжар Темиров ота касбини давом эттириб, хилма-хил ниҳоллар етиштиряпти. Шу орқали 100 нафар фуқаронинг доимий бандлигини таъминлаган. Ишчиларига 3,5-5 миллион сўм атрофида маош тўлайди. Йилдан-йилга ўсимликлар турини кўпайтириб, юртимизни “яшил макон”га айлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Аҳолининг 30 фоизга яқини иссиқхонада помидор ва бодриңг етиштириш билан шуғулланади. Меҳнатқашлар қишин-ёзин халқ дастурхонига тансиқ ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Бу халқ фаровонлигини таъминлаш, камбағаллик кўрсаткичини янада камайитириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“Қарс икки қўлдан чиқади”, деган гап бежизга айтилмаган. Бу ибора оила мустақамлигини таъминлаш, мураса билан умр кечириш борасида ҳам катта аҳамият касб этади. Тарафларнинг бир-бирини тушуниб яшаши, ўзаро ҳурмат ва эҳтиромда бўлиши кўплаб моjarоларнинг олдини олади.

“ҚАЙНОТА ЎЗ КЕЛИНИГА ОТАДЕК БЎЛСА...”

Фируза РАВШАНОВА, Зарафшон шаҳридаги “Ёшлик” ва “Истиқлол” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Шу кунга қадар ёш келин-куёвлар ўртасида юзага келаётган келишмовчиликларда қайноналарнинг аралашуви сабаб ажрашишлар сони ортиб бораётгани ҳақида жуда кўп мулоҳазалар билдирилди. Айримлар бу ёндашувни оддий ҳол сифатида қабул қиладиган бўлиб қолди. Лекин охириги пайтларда қайноналарнинг ҳам ёшлар турмушига таъсир кўрсатаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Хонадон бошлиғи сифатида фарзандларига намуна бўлиш ўрнига келиннинг ишларидан камчилик ахтариш, унга нисбатан кўпол муомалада бўлиш нақадар уятли ҳолат, шундай эмасми?!



Жорий йил бошидан буён 6 та низо келиб чиққан оилани яраштирган бўлсак, уларнинг бир нечасида шундай ҳолатга гувоҳ бўлдик. Тўғри, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ёрдамида муносабатларни изга солдик, лекин ўзбек эркаларига ярашмайдиган иш-да бу.

Авваллари қайноталар “иссиқ чойим билан бир коса овқатим бўлса бас”, деб келинларига ортиқча гапирмаган. Аслида ҳам ўглининг кўнглига йўл топа билган, набираларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказётган аёлдан яна нима талаб қилиш мумкин? Кўполлик ва шарткалилик ўрнига, ёшларнинг хатосини ибратли ўғитлар билан тўғрилаш мумкин-ку. Айрим хонадонларда бундай вазиятларда қайноналарнинг сукут сақлаб туриши ёки эрининг тарафини олишини ҳам ҳайратланарли.

Келин ҳам бировнинг нуридийдаси. Баъзан билиб-билмай хатога йўл қўйиши табиий. Лекин уни тарбиялаш, камчиликларини тўғрилаш айнан қайнона ва қайнота зиммасидаги масъулият ҳисобланади.

Фаолиятимиз давомида оилалар мустақамлигини таъминлашдан ташқари, хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Иккита маҳалла ҳудудидан “Аёллар дафтари”га киритилган 48 нафар ишсизнинг муносиб жойда меҳнат қилиб, даромад топиши учун доимий ҳаракатдамиз. Шу кунга қадар уларнинг 3 нафари хусусий корхонада иш бошлади ҳамда бир нафари хунармандга шогирд сифатида бириктирилди.

Аёлларимизнинг қўли жуда гул. Айниқса, каштачилик ва тикувчилик йўналишларида натижаларимиз жуда қувонарли. Хусусан, Зарина Асадова ташкил этган корхонада бугун 15 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилляпти. Аёллар ва болалар либосларини тикиш билан шуғулланадиган чеварлар топаётган даромадидан жуда хурсанд.

“Еттилик” ходимлари билан бирга олдимиизга катта мақсадлар қўйганмиз. Биринчи навбатда, маҳаллани ажрашиш ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирмоқчимиз. Қолаверса, қийналган ва эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш қўламини янада кенгайтирмоқчимиз.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза РАҲИМҲУЖАЕВА тайёрлади.

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

“КУМУШ ТОЛА” ҲОСИЛИНИНГ САЛМОҒИ БАЛАНД

Когон туманининг Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалласида яшовчи Ражабой Боқиева оила аъзолари кўмағида пиллачилик билан шуғулланиб, жорий мавсумда 4 қўти ипак қўртини парваришламоқда.



Азизжон ҚАҲҚОРОВ, Когон тумани ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.

Меҳнатқаш хонадоннинг 4 қўти ипак қўртидан 300 килограммдан ошириб ҳосил олиш тажрибаси бор. Иш бошида улар 2 миллион сўм бунак пул ва қўрт озукасига етарли тўтзорни қабул қилишган. “Ғалвир сувдан кўтарилганда” эса кўзда тутилган даромад салмоғи қарийб 15 миллион сўмни ташкил этади. Шунингдек, “Сараён” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилноза Атоева ҳам тажрибали касаначилардан бўлиб, оила аъзолари ёрдамида бу йил 8 қўти ипак қўрти боқмоқда. Бир ойдан ошқроқ қилинаётган меҳнат маъсули эса 550 килограмм атрофида бўлиб, бундан хонадоннинг эришадиган қўшимча даромади 27 миллион сўм атрофида қўтилмоқда.

Сара ва сифатли “кумуш тола” етиштиришда ўзига хос тажрибага эга ҳудудда жорий йилги мавсумда буюртмачи “Кумушкент ипаги” масъулияти чекланган жамияти савий-ҳаракати билан ҳар қўтидан олинаётган ҳосил салмоғи ўртача 65 килограммга етиши кўзда тутилган. Бу борада, айниқса, “Сиезпоён”, “Хўжа яқшанба”, “Янги ҳаёт”, “Сараён”, Баҳоуддин Нақшбанд ва Ниёзхожи номидаги маҳалла миришкорлари жонбозлик кўрсатмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

АЁЛЛАРГА ЖАЗО ҚўЛЛАШДА ҚАНДАЙ ЧЕКЛОВЛАР МАВЖУД?

Вазира ШУКУРОВА. Жиззах вилояти:

— Хотин-қизларга нисбатан жазо тайинлаш борасида қандай чекловлар мавжуд? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.



Саидяхон ТОЛИПОВА, ҳуқуқшунос:

— Қонунчиликка кўра, аёлларга айрим жазоларни қўллаш бўйича қатор чекловлар мавжуд. Хусусан, жиноий жазо тариқасида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан қўлланилмайди.


Бундан ташқари, бу тоифадаги аёллар эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этса, уларга нисбатан овозликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланмайди. Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.



FIDE рейтингинг янгиланди. НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ ва ЖАВОҲИР СИНДОРОВ кучли бешликдан жой олди.



1 майдан ҳарбий хизматдан қайтган ёшларни КАСБГА ЎҚИТИШ ХАРАЖАТЛАРИ Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан қопланади.



2026 йилда умумий қуввати 114 мегаватт, йиллик электр ишлаб чиқариш ҳажми 537 миллион килловатт соатни ташкил этувчи 13 та ГЭС қурилади.

**2026 йил
2 МАЙ,
ШАНБА**

Mahalla №36

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛДОНЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ МАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Бу дунёда ким ҳам хато қилмайди, дейсиз. Ҳамма тақдирнинг синови йўлларда адашади, қийинчиликларни енгиб, ўз йўлини топади. Шундай вақтда атрофдагиларнинг далдаси, қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Айниқса, эндигина катта ҳаётга қадам ташлаётган ёшларга бу кўмак алоҳида аҳамият касб этади.



ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Нурбек СОРИЕВ. Қашқадарё вилояти:

— Маҳалладаги ёшлар етакчисига мени “Ёшлар дафтари”га киритишни сўраб мурожаат қилгандим. Унинг айтишича, янги тартибга кўра, эндиликда дафтарга киритилганлар ижтимоий шартнома асосида маълум шартларни бажариши керак экан. Шу тўғрисида?

ЁШЛАРГА КЎМАК ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА ОРҚАЛИ БЕРИЛАДИМИ?

Улуғбек СУЛТОНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи:

— Ҳукуматнинг тегишли қарори билан 2026 йил 25 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Унга кўра, “Ёшлар дафтари”га доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган (31 ёшга тўлмаган) Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъзолари ҳамда оиласининг ойлик даромади оила аъзоларининг ҳар бирига минимал истеъмол харажатлари миқдорининг икки бараваридан кўп бўлмаган ёшлар киритилади.

“Ёшлар дафтари” жамғармасидан кўрсатилмаган ёрдамлар индивидуал режага мувофиқ, ижтимоий шартнома шартларининг бажарилиши Ёшлар ягона электрон платформаси орқали автоматик тарзда мониторинг қилинади. Назорат жараёнида ижтимоий шартномада белгиланган ҳар бир шартнинг бажарилиши ҳар ойда 100 балли тизимда баҳоланади.



Камида 6 ой давомида мунтазам ижтимоий шартнома шартларини “аъло” даражада бажарган, ўртача ойлик кўрсаткичлари энг юқори бўлган 1 000 нафаргача ёшлар ҳар йили декабрь ойида БҲМнинг 3 баравари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

киритилган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар мавжуд. Ана шу имкониятлар маҳалладаги иқтидорли ёшларга ҳам берилса дердик.

Бу тоифадаги йигит-қизларни саралашда ёшлар етакчисининг тақлиф ва тавсиялари инобатга олинса, кўмак ҳақиқатда истеъдодли ёшларга етиб бориши таъминланарди.

“Бекор юрганнинг бандлигини таъминладик, тарбияси оғирни иқтидорга бириктирдик”

МУСОБАҚА

ТАФАККУР БЕЛЛАШУВИ — ИМКОНИЯТ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида спортнинг пара шахмат тури бўйича Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар юртимизда шахмат спортини ривожлантиришга қаратилган ишловлар, айниқса, ёшлар ва имконияти чекланган шахслар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида алоҳида тўхтади.

Қайд этилганидек, шахмат спортини ёшларнинг интеллектуал ривожига муҳим ўрин тутди. У хотирани мустаҳкамлайди, қарор қабул қилиш тезлигини оширади ва мураккаб вазиятларда тўғри йўл топиш кўникмасини шакллантиради. Айниқса, пара шахмат имконияти чекланган ёшлар учун ўз салоҳиятини намоён этиш, жамиятда фаол бўлиш ва ўзига ишончини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Мусобақада пойтахтимизнинг 12 та туманидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 16-30 ёшли 100 нафарга яқин иқтидорли ёшлар иштирок этди. Беллашувлар халқаро талабларга мувофиқ, “швейцарча тизим” асосида 5 турда ташкил этилиб, ҳар бир иштирокчининг маҳорат даражаси, диққат-эътибори ва стратегик фикрлаш салоҳиятини синовдан ўтказди.

Яқунда голиб ва совриндорлар аниқланиб, кубок ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Мусобақа нафақат спорт беллашуви, балки ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек, жамиятда шахмат спортини янада оммалаштиришга хизмат қилди.

Лазизхон ЭРГАШЕВ, Кўкон шаҳридаги “Ғиштли масжид” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалла тизимидаги турт йиллик фаолиятим давомида айна шу масала билан кўпроқ ишлашга ҳаракат қилгандим. 15 нафар ёш билан махсус режа асосида шуғуллангандим. Оиладаги носоғлом муҳит ва ёнидаги ўртоқларнинг таъсири сабаб уларнинг тарбиясида жиддий ўзгаришлар мавжуд. Айримлари жазони ижро этиш муассасасидан чиққан, баъзиларининг эса жиноят қилишга мойиллиги бор.

Худудимиз жиноятчилик кўрсаткичлари бўйича “қизил” тоифага киргани учун “етилик” ходимлари билан бирга айна вақтда мунтазам равишда аҳоли орасида ту-

шунтириш тадбирлари олиб борилапти. Бекор юрган йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунар эгаллашга йўналтириш бўйича салмоқли натижаларга эришдик. Ҳар бир кўчага бириктирилган масъуллар кўмағида умумий вазиятдан доимий хабардоримиз. Қолаверса, оғир тарбияли болаларни маҳаллаимиздаги иқтидорли ёшларга бириктириб, қизиқишларини намоён этишига шароит яратиб беряпмиз.

Асрорбек Каримов — маҳаллаимиз фаҳрига айланган йигитларимиздан. У 10 ёшдан буён бокс билан мунтазам шуғулланади. Айни вақтда 22 ёшли қаршилаган спортчимиз шаҳар ва вилоят миқёсида қувонарли натижаларни қўлга киритиб келяпти. Келгусида профессионал боксчи сифатида юртимиз байроғини кўкларга кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Қувонарлиси, у тенгдошлар-

рини ортидан эргаштира оляпти.

Худудимизда Кўкон давлат университети жоиллашгани боис талабалар билан ҳамкорликда турли ташаббусларни амалга ошириб келяпмиз. Масалан, яққалғиз яшаётган кексалар ҳолидан хабар оламиз. Хонадонидоги кичик таъмирлаш ишларини бажариб, шароитини яхшилашга қарашамиз. Қизларимиз эса тазолаш ва овқат тайёрлаш масаласида кўмаклашиб, қарияларнинг дуосини оляпти.

Келгусида маҳаллаимизда Ёшлар марказини барпо этишни режалаштирганмиз. Бу ерда ишлаб чиқариш цехлари, спорт ва фан тўғрақлари, шахмат ҳамда заковат клублари ташкил этилади. Натижада болаларнинг вақтини мазмунли ўтказиб, ёшлар учун янги иш ўринлари очишга эришамиз.

Ўрни келганда бир тақдирим бор эди. Ҳозирги кунда Ижтимоий реестрга

ЖАҲОЛАТ — ЖАРЛИК ДЕМАК

ОИЛА ҚУРИШ ШОШҚАЛОҚЛИКНИ ЭМАС, ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Ёшларнинг оила қуришга тайёр бўлмадан турмушга кириши, яъни эрта никоҳ ҳолатлари — жамиятда қатор ижтимоий муаммоларни келтириб чиқараётгани ҳаётнинг ўзида кўп бора исботини топган. Бундай ҳолатлар нафақат ёш оилалар барқарорлигига, балки таълим, иқтисодий мустақиллик ва шахсий камолотга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Севдо ҲАКИМҲЎЖАЕВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Давлатимиз раҳбарининг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони жамиятда соғлом оилавий муҳитни шакллантиришга қаратилган бўлиб, ўзида бир қатор муҳим вазифаларни мужассам этади.

Жумладан, ҳужжатда эрта никоҳ ҳолатларининг олдини олиш устувор мақсад сифатида белгиланган. Бу орқали ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши ва



мустақил ҳаётга пухта тайёргарлик қўриб, шундан сўнг оила қуриши учун зарур шароитлар яратилади. Молиявий жиҳатдан мустақил, ҳаётий тажрибага эга ва оила қуришга ҳар томонлама тайёр ёшлар ўртасида никоҳни рағбатлантириш эса, ўз навбатида, оилалар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати, бу — 2027 йилдан бошлаб, ҳар икки тараф камида 21 ёшга тўлган ҳолда биринчи бор никоҳ тузган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилишидир. Хусусан, бундай оилалар Ижтимоий реестрга киритилганда, уларга ажратилмайдиган субсидия, ссуда

ва грантлар миқдори 1,5 бараварга оширилади. Шунингдек, никоҳ шартномаси тузган шахслар давлат божини тўлашдан озод этилади. Фармон билан ҳомиладор ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан банд талаба-қизлар учун ҳам “иккинчи имконият” яратилмоқда. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, турли сабабларга кўра ўқишини тўхтатган ёки курсдан курсга ўта олмаган талабаларга таълимни давом эт-

тириш имконияти берилади. Уларга фанлар фарқини ўзлаштириш учун қўшимча мўддат ажратилади. Бу эса оғир ҳаётини вазиятларга қарамай, олий таълим олиш имкониятини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида вояга етмаганлар билан никоҳ тузишга даъват қилиш, уни тарғиб этиш ёки қизиқтириш учун маъмурий жавобгарлик жорий этилиши белгиланди. 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб, бундай ҳуқуқбузарликлар учун ундирилган жариманинг 15 фоизи бу ҳақда хабар берган шахсларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Шунингдек, қатор ташкилотлар зиммасига эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида тегишли идораларга хабар бериш мажбурияти юклатилди. Энди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ФХД, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда диний ташкилотлар бундай ҳолатлар юзасидан ички ишлар органлари ва “Инсон” марказларига маълумот тақдим этиб боради.

Юқоридаги каби кенг қамровли чора-тадбирлар эрта никоҳ муаммоларини бартараф этиш билан чекланиб қолмай, жамиятнинг эртанги кийфасини белгилаб беради. Чунки ҳар бир онгли қарор асосида қурилган оила, бу — барқарорлик, ишонч ва тараққиёт пойдеворидир.



1 майдан янги куриладиган кўп квартиралли уйларда ВИДЕОКУЗАТУВ ВА ДОМОФОН ЎРНАТИШ мажбурий бўлади.



Ногиронлиқни белгилашда ИМТИЁЗЛИ ДАВОЛАНИШ ЙЎЛЛАНИШИ КОМПЗИТ ШАКЛДА расмийлаштирилади.



Ўзбекистонда машиналарни КИРИШ ЙЎЛАКЛАРИ ВА ТРОТУАРЛАР олдига қўйиш тақиқланди.

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

ҲАМ РУҲИЙ ДАЛДА, ҲАМ ХОЛИС ХИЗМАТ

Ногиронлиги бўлган кишилар доим эътибор ва парваришга муҳтож бўлади. Мунтазам равишда сифатли хизмат кўрсатиш уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ҳамда тўлақонли турмуш кечирishiга замин яратиши шубҳасиз. Айниқса, руҳий ҳолати бузилган беморларга бу борада алоҳида ёндашув зарур.



Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

резидентимизнинг яқинда қабул қилинган “Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони айтиш мақсади учун хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик. Унга кўра, болаларнинг жисмоний-ақлий ривожланишида кузатиладиган нуқсонларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида комплекс ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш мақсадида 2026 йил 1 июнгача босқичма-босқич “Эрта аралашув” хизмати йўлга қўйилади.

“Эрта аралашув” хизмати доирасида:

- ногиронлик белгиланган ёки жисмоний-ақлий ривожланишида нуқсонлари мавжуд 3 ёшгача бўлган болаларга Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида юртилидиган махсус электрон реестрга киритилган нодавлат ташкилотлар хизмат кўрсатади;
- болаларга махсус педагоглар ривожлантирувчи дарслар олиб боради ҳамда даволовчи жисмоний тарбия йўриқчилари комплекс ривожлантирувчи реабилитацион машғулотлар ўтказилади.

Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлар билан туғилган болаларни қўшимча тиббий текширув ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Фармонга кўра, мўътадил, оғир ва чуқур даражадаги ақлий заифлик ёки деменция ташхиси қўйилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун оилавий муҳитга яқин шаклдаги қўйидаги янги ижтимоий хизматлар кўрсатиш босқичма-босқич жорий этилади:

- 2026 йил 1 июнгача “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати;
- 2026 йил 1 сентябргача уй шароитида қараб туриш хизмати;
- 2026 йил 1 октябргача кичик ҳажмли “Мадада” уйи хизмати;
- 2026 йил 1 ноябрга қадар “Ижтимоий таътил” киска мuddатли жойлаштириш хизмати.

2026 йил 1 июндан руҳий ҳолати бузилган шахсларга васий ёки ҳомий сифатида тайинланган шахсларнинг васийлик ёки ҳомийликдаги шахслар олдидagi мажбуриятларининг бажарилишини “Инсон” маркази мониторинг қилиб боради.



Фармонга кўра, 2026 йил 1 сентябрдан 18 ва ундан катта ёшдаги чуқур даражадаги ақлий заифлик ташхиси қўйилган шахсларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдорида ҳар ойда парваришlash пули берилади.


Маъмур ўзгаришлар имконияти чекланган минглаб инсонларнинг муаммоларини ҳал қилиш, яшаш шароитини яхшилаш ҳамда ҳаётига ўзгача мазмун бахш этишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли.

Бу нафақат самимий хизмат, балки юксак инсонпарварлик фазилатидир

Айни вақтда маҳалламизда 8 603 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг орасида 46 та Ижтимоий реестрга киритилган оила ҳамда 120 нафар ногиронлиги бўлган шахс мавжуд. Бу рақамлар ортида турли тақдирлар, ҳаёт синовлари ва энг муҳими, меҳр ва эътиборга муҳтож инсонлар кечмиши мужассам.

Шаҳноза БОҚИЕВА, Бухоро туманидаги “Ҳонобод” маҳалласи ижтимоий ходими.

Уларнинг дарду ташвишларини, бошдан кечириётган қийинчиликларини ич-ичимдан ҳис қиламан. Сабаби, фарзандларимнинг алоҳида таълимга эҳтиёжи бор. Имконияти чекланган бола парваришлайётган оналар кечинмасини яхши биламан. Шу боис ҳар бир ҳаракати ортида қалб амри билан бажарилаётган самимий хизмат мужассам. Ҳар бир оилага алоҳида ёндашув, ҳар бир фуқарога эътибор қаратиш фаолиятимнинг асосий мезонига айланган. Натижада кўплаб инсонлар турмушида ижобий ўзгаришлар юз бериб, ҳаётга бўлган ишонч ва эртанги кунга умид мустаҳкамланмоқда.



Раим Шодиев I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс. У “Фаол ҳаётга қадам” дастури асосида кундузги қараб туриш хизматида жалб этилган. Шунингдек, сайр қилиш учун мўлжалланган махсус аравача билан таъминланди ҳамда оиласига моддий ёрдам тайинланди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча кўмак берилиб, куз-қиш мавсуми учун бир марталик пул ажратилди. Бундан ташқари, коммунал тўловлар бўйича компенсация ҳам белгиланди.



Яна бир фуқаро Ёқут Шодиева ҳам ижтимоий эътибордан четда қолмади. Унга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволаниш учун моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, невараси Рустам Муҳиддиновни васийликка олиш масаласида амалий кўмак кўрсатилди.

ИНТИЛАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ

Метин ирода ва матонат — маррага элтувчи куч



Бир йил аввал ижтимоий ходим эшигини тақиллатиб борган хонадон бекасининг ҳаётида бугун қатор ижобий ўзгаришлар яққол сезилмоқда.

Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Урта Чирчиқ туманидаги “Кўкмуёйин” маҳалласида яшовчи Олтиной Исмамова болалигида бошидан кечирган оғир хасталик оқибатида бир қўли ва бир оёғи тўлиқ ҳаракат қилмайдиган бўлиб қолган. Ҳаётнинг мураккаб синовларига қарамай, у ўз иродаси ва қатъияти билан олдинга интилишни танлади.

Маҳалла ижтимоий ходими ўтган йили уларнинг яшаш шароитини атрофида ўрганиб, Исмамовлар оиласи Ижтимоий реестрга киритилди. Шундан сўнг хонадон вакилларига тизимли ва манзилли амалий ёрдамлар кўрсатилди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

Инклюзив таълим: ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган болаларни жамият ҳаётига тўлақонли интеграция қилиш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда тизимли ислохотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, ҳар бир болани мактаб муҳитига қайтариш ва уларни таълим ҳамда ижтимоий хизматлар билан тўлиқ қамраб олиниши бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда 15 минг нафар бола уй шароитида таълим оляпти. Хусусан, ўтган давр мобайнида 2 365 та мактабда инклюзив таълим жорий этилиб, 4 495 та инклюзив синф фаолияти йўлга қўйилди. Натижада ушбу синфлар орқали 6 мингдан ортиқ бола уй таълимидан умумтаълим мактаблари, инклюзив синф, махсус мактаб ва ижтимоий хизматларга жалб этилди.



Шунингдек, 700 тадан ортиқ мактабда тўсиқсиз муҳит шакллантирилгани ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабга эркин кириб-чиқиши, ҳаракатланиши ва билим олиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Алоҳида таълим эҳтиёжига эга болаларни кўллаб-қувватлаш мақсадида 1 367 та коррекцион хона ташкил этилди. Бу ерда уларнинг ривожланиши, ижтимоий мослашуви ҳамда

билим олиш жараёнини қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус хизматлар кўрсатилмоқда.

Амалга оширилаётган ушбу ислохотлар натижасида нафақат таълим тизимида янги ёндашувлар қарор топмоқда, балки жамиятда ҳам инсон қадри юксалмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ...



1 майдан тажриба тариқасида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда “АҚЛИ” МИГРАЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИ ташкил этилади.



Ўзбекистонда ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР учун жарималар миқдори оширилади.



Хукумат қарорига кўра, СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ жорий этганлик учун субсидия берилади.

**2026 йил
2 МАЙ,
ШАНБА**

Mahalla №36

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ЖАРАЁН

“Еттилик” қадами етмаган жой қолмади ҳисоб

Одатда, ҳар тонг кўп қаватли уйлар атрофини бир-бир кўздан кечириб, уйбошилари билан бироз мулоқот қилиб, вазият тинч бўлса, маҳалла идорасига бораман. Бу ерда “маҳалла еттилиги” билан йиғилиб, кунлик иш режаларимизни тақсимлаб оламиз. Кун давомида “еттилик”нинг ҳар бир аъзосига берилган вазибаларни назорат қилиб, кечқурун бажарилган ишларни таҳлил қиламиз.



Умида МАТЁҚУБОВА,
Хива шаҳридаги
“Гиламчи” маҳалласи раиси.

Асосий мақсадимиз — ишсизлик, жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айланиш. Тизимли ишларимиз натижасида икки йилдан буён бирорта фуқаро ишсиз қолмапти, уч йилдан буён жиноят қайд этилмади. Бунга маҳалламизга яқин бўлган Хива шаҳар деҳқон ҳамда буюм бозорлари, шунингдек, “Ичан қалъа” тарихий ёдгорлик мажмуаси ҳам сабаб бўляпти. Чунки аҳолининг аксарияти ушбу ман-

зилларда савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш ишлари билан банд. Жорий йил бошида ишсиз сифатида рўйхатга олинган 23 нафар фуқаро расмий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг уч нафари хусусий уй-жой ширкатиде ишлаётган бўлса, кўпчилиги имтиёзли кредит олиб, хизмат кўрсатиш, тикувчилик, ишлаб чиқариш ва касаначилик билан шуғулланыпти. Масалан, Нилуфар Искандарова 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига

нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қувонарлиси, у ўзи билан бирга, яна 10 нафар маҳалланинг хотин-қизини ишга қилди.

Маҳалламизда касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар кўп. Масалан, Гулҳаё Курбонова ва Марҳама Норбоева турли хил чойшаблар тўпламларини тайёрлаб, меҳмонхоналарга, бозорга, маҳалладошларига етказиб берапти. Хурматбек Болтаев эса талаб ва таклифни

ўрганиб, йогурт, пишлоқ, бринза каби сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариб, даромад топяпти. Ҳозир бу ерда 12 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга.

Маҳаллада савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш соҳаси яхши ривожланган. Шу боис жорий йил хорижда ишлаётган етти нафар фуқаро қайтиб келиб, “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида турли соҳаларда тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Мисол учун, Равшан Жуманиёзов турмуш ўртоғи билан миллий пишириқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Музаффар Камолов “Йул-йўлақай” номли фирма очиб, йўловчи ташиш хизмати билан шуғулланыпти. Достон Отаназаров дўкон очиб, болалар кийимларини сотаётган бўлса, Анна Отажонова нововойхона очиб, маҳалладошларига иссиқ нон етказиб берапти.



Таклиф: маҳалла ҳудудидаги ариқларни бетонлаштириш керак. Шунда “Полвон” каналдан келаётган сув тежалиб, маҳалланинг ҳар бир кўчасига етиб боради. Натижада ҳудуд янада обод бўлиб, яшил майдонлар кўпаяди.

СОЛИҚЧИ — КўМАКЧИ

ДАРОМАД ОШГАНДА ҚАРЗДОРЛИК КАМАЯДИ, ИШ ЎРНИ КўПАЙГАНДА СОЛИҚ ТУШУМИ ОРТАДИ

Солиқ тушуми қачон ортади? Одамлар ишли, даромадли бўлса. Бунинг учун нима қилиш керак? Янги иш ўринлари яратиб, аҳолига ўз имкониятларидан келиб чиқиб, даромад топиш манбаларини ўргатиш керак.



Искандар ЧИННИБЕКОВ,
Пискент туманидаги
“Файзобод”, “Дўнгқўрғон”,
“Мингтепа” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Бу — асосий иш қоидам. Шу боис ҳар бир ашиқни тақиллатганда, “бу ой ёки шу йил шунча солиқ тулашингиз керак, тезроқ тулаб қўйинг, акс ҳолда МИБга оширамиз” эмас, балки оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳам ўрганиб, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида керакли ёрдамларни кўрсатиб келяпмиз. Ягона мақсадим — аҳоли даромадини ошириш ҳисобига қарздорликни камайтириш, янги иш ўрини яратиш орқали солиқ тушумини кўпайтиришдир.



Хабарингиз бор, яқин йилгача бирорта маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” аниқланиб, маълум йўналишга ихтисослаштирилмаган эди. Бу, ўз навбатида, аҳоли даромадига, солиқ қарздорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Шу боис “еттилик” кўмагида ҳар бир маҳалланинг “драйвери”ни аниқлаб, аҳолига даромад келтириш манбаларини ўргатаямиз. Биринчи “Мингтепа” маҳалласи узумчиликка ихтисослаштирилган, 620 та хонадон эгаси ўз томорқасида узум билан бирга, тўқсонбости, эртаци ва кечки экиллари ҳисобидан йилига тўрт марта ҳосил олишга эришди.

Қашқадарёнинг “Оқузар” маҳалласидан чиққан бу инсон бугун ҳам шарафли умр кечирмоқда. Унинг қалбига янги илмий изланишлар ва янги бадиий асарлар яратиш орзуси хали ҳам жўш уради. Халқ саломатлиги ҳақида қайғуриш, Янги Ўзбекистонга сидқидилдан хизмат қилиш — қатъий аҳду паймони-дир.

У бир шеърда шундай ёзганди, тамоман ҳақ эди: *Заминнинг бағрида гуллайди ҳаёт, Ешлик йилларини эслайсан бот-бот. Меҳнатинг самарин улугласа эл, Шу азиз Ватанда қолдиурсан от...*

Мисол учун, мингтепалик Адолат Рустамова бир ўғли, бир қизи ва тўрт невараси билан шу томорқада ишлаб, рўзгорини обод этяпти. Эрта баҳорда ток ораларига редиска, исмалоқ, помидор, баклажон ва булғор қалампирни кўчатлари экиб сотади. Ток баргидан ҳам яхши даромад олишни ўрганди. Уй қуриб, машина олди. Қўшимчасига чорвачилик билан ҳам шуғулланыпти.

Шу тариқа “Файзобод” ва “Дўнгқўрғон” маҳаллалари ҳам полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилди. Олдинлари шунчаки экин майдони ҳисобланган томорқа ерлари бугун даромад майдонига айланди. Буни яхши англаган 539 нафар фуқаро яна қўшимча ер олиб, сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган деҳқон хўжалиги ташкил этди. Узини ўзи банд қилган 2 284 нафар одамнинг аксарияти айнан деҳқончилик йўналишида иш бошлади.

Солиқ тизимида 26 йил айнан жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини ундириш бўйича ишлаб кўряпманки, “еттилик” тажрибаси биз учун ҳам, солиқ тўловчилар учун ҳам катта имконият бўлди. Айниқса, олис ҳудудлар аҳолиси учун анча қулайлик яратди. Аввало, фуқаролар солиқ масаласида олдингидек туман марказига қатнаб, вақтин, нақдиний йўқотмаяпти, аксинча, биз уларнинг хонадонига борапмиз.

Бу жараёнлар кундалик ишимга айланган. Ҳар кунги битта маҳаллада бўлиб, томорқачилик ва тадбиркорлик билан шуғулланишни тарғиб этиб, солиққа оид маблағ ва амалий ёрдамлар кўрсатаман. Жорий йилнинг биринчи чоррағида 4 та корхона, 5 нафар ЯТТ фаолияти йўлга қўйилди. Ишламай турган ёқилги қуйиш шохобчаси сотувга чиқарилиб, қайта ишга туширилди. Натижада тадбиркорлар сони 20 фоизга, солиқ тушумлари 30 фоизга кўпайди. Март ойининг ўзида 680 миллион сўм солиқ тушуми таъминланиб, белгиланган режани 111 фоизга бажардим.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



МАҲАЛЛАМИЗ МАШҲУРЛАРИ

Баҳо “5” бўлгани билан билим “аъло” бўлмаса қийин

Аллоҳ таоланинг инояти билан ҳаёт инсонларни бир-бирига учраштиради, яқинлаштиради. Инсонлар ажралмас дўстга айланади. Балки ҳаётнинг энг катта мўъжизаларидан бири ҳам шу бўлса керак.



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Уйлаб қарасам, ярим асрдан бери Жуманазар Бекназар билан қадрдон дўст эканман. Дўст бўлганда ҳам — жуда яқин, бир-бирини доим йўқлайдиган, кўрмаса соғиниб қоладиган, аҳвол сураб турадиган дўстларимиз.

Қашқадарёнинг чекка қишлоғида вояга етган, болалигида ноқ юксак марраларни кўзлаган бир бола — бугун нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ҳам номи танилган ўзбек ўғлонига айланди. Ажойиб шифокор, танкили олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ёзувчи, шoir ва журналист Жуманазар Бекназар (тахаллуси — Жуманазар Бекназар) билан фахрланишга тула ҳақлиман.

У, асосан, болалар буйрағидаги тош касалликлари, туғма норасоликлар ва уларнинг асоратларини барқарор этиш йўллари устида узок йиллар ишланди. Бу борада чуқур илмий ва ҳаётий хулосаларга келди. Яқинда суриштириб кўрдим: у шу пайтгача қарийб қирқ минг муолажа ўтказган. Қирқ минг тақдир! Фақат гипоспадия (жинсий норасолик) бўйича амалга

оширган муолажаларининг ўзи уч мингдан ошади.

Жуманазар Бекназар Қашқадарё вилояти Қамаша туманидаги “Оқузар” маҳалласида туғилиб ўсган. Мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган. У жуда билимга чанқоқ эди, кўп мутолаа қиларди. Ўзи қулиб эслайди: “Ҳатто биринчи синфда икки йил ўқиганман”.

1964 йилда Тошкент давлат медицина институтининг педиатрия факультетига ўқишга кирди. Болалар тиббиётига бўлган қизиқиши уни шу йўлга етаклади. Бу ерда ҳам, манглайда бор экан, тўртинчи курсда икки йил ўқишга тўғри келди.

Бунинг сабаби қизик, Яқуний имтиҳонда профессор унга синчиқлаб қараб сўради: — Сен аввал ҳам ўқигандинг шекилли? — Ҳа, утган йили ҳам тўртинчи курсда ўқигандим, — деди хотиржам Жуманазар. — Нега яна ўқияпсан? — Сизнинг фанингиздан баҳоим “4” чиққан эди. Қолганлари “5”. Шуни ҳам “5” қилиш учун.

— Э-э, айтсанг бўлмасмиди? Ҳамма баҳоинг “аъло” экан, мен ҳам “5” кўярдим-ку, — деди профессор самимий афсус билан. — Тўғри, “5” кўярдингиз. Лекин билиминг “4”лигича қоларди-да, — деди талаба.

Профессор хайратда қолди: — Баракалла сенга! Ҳудди шундай ўқиш керак. Ҳамиша баҳоинг “5” бўлсин! — дея унинг қўлини қисиб, омад тиллади.

1971 йилда институтни “кизил диплом” билан тугатган, Жуманазар Бекназар Қашқадарёнинг турли ҳудудларида жарроҳ бўлиб ишлади. Икки йилдан сўнг Тошкент педиатрия тиббиёт институтида фаолиятини давом эттирди. 1985 йилда Санкт-Петербург шаҳрида “Болалар буйрағидаги тош касалликлари” мавзуси-



да номзодлик ишини ёқлади.

Дарвоқе, шу пайтда унинг “Тош балоси” китоби ҳам нашр этилган эди. Ҳимоя жараёнида яна бир таъсирли ҳолат юз берди: уни қўллаб-қувватлаш учун Тошкентдан дўстлари — профессор Бегали Қосимов ва профессор Пирмат Шермухаммедов етиб келишди. Улар залда ўтириб, дўстига маънавий таянч бўлишди. Мана, чинакам дўстликнинг ёрқин намунаси! Ҳар қанча мактов ёғдирсан арзийди!

1995 йил апрель ойида у “Болалардаги жинсий норасоликларни барқарор этиш” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бугун унинг шо-гирдлари жуда кўп. Ўзи “Соғлом авлод учун” ордени соҳиб.

Жуманазар Бекназар нафақат шифокор, балки истеъодли ижодкор ҳамдир. Ҳа, у том маънода Ибн Сино шоғирди. Дўстим Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлиб, бир неча шеърый тўпламлар муаллифи. Айниқса, “Қамай достони” асари, “Қашқа йўрға” қиссаси ўқувчилар орасида катта шухрат қозонган. Шунингдек, “Олам мўъжизаси остонасида”, “Нотинч уйлар оғушида” каби илмий-маърифий асарлари

чуқур фалсафий мазмуни билан эътиборлидир.

Эслайманки, кўп йиллар муқаддам уч дўст — Жуманазар, Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, профессор Бегали Қосимов ва камина Шарқ алломалари, устозларни дунёга тарғиб қилиш борасида бир адолатсизлик ҳақида куйиб-ёниб баҳслашдик. Гап Ибн Сино мероси ҳақида эди.

Унинг “Тиб қонунлари” асари саккиз юз йил давомида Европа университетларида дарслик сифатида ўқитилган, ҳозир ҳам ўқитилади. Ноҳақликни кўрингки, бобомиз аллақонда ҳал қилиб қўйган, китобларида ёзиб кетган тиббий муаммоларни Европа олимлари кейинги асрларда ўзларича “кашф” қилиб, “фалончи қонуни”, деб эълон қилганда тоймадилар, аммо Ибн Сино номини тилга олмаганлар.

Биз Жуманазарга шу ҳақиқатни ёритувчи асар ёзишни таклиф қилдик. У рози бўлди. Шундан кейин у узок йиллар изланишлар олиб борди ва мана, яқинда ниҳоят “Буюк Сино” номли сермазмун тарихий романини эълон қилди, ваъдасининг устидан чиқди!



Электр энергияси йўқотишлари юқори бўлгани 44 та туман ва шаҳар ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ БОШЛИҚЛАРИ ИШДАН ОЛИНДИ.



Кўп квартирали уй ва унинг атрофидаги кўкаламзорлаштирилган ҳудудларни ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚИСҚАРТИРИШ ТАҚИҚЛАНДИ.




Ҳукумат қарори билан автоматотранспортларни жарима майдончасидан олиб чиқиш юзасидан ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

КИЧИК ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОРТИДАН
КАТТА ЖИНОЯТЛАР КУРТАК ОТАДИ



...Одатдаги иш куни. Кечки соат 22:00 да ташвиш тугмасидан хабар келиб тушди. Зудлик билан манзилга етиб бордик. Кўп қаватли уйнинг кириш йўлагига спиртли ичимлик истеъмол қилган нотаниш фуқаро борлигини аниқладик. Маълум бўлишича, бу шахс мастлик оқибатида ўзгага тегишли велосипедни ўғирламоқчи бўлган. Шу тарзда жиноятнинг олди олинди.

ишга туширилгани катта аҳамиятга эга. Эндиликда марказ орқали тумanning барча ҳудудларида ўрнатилган кузатув камералари ёрдамида содир бўлган ҳодисалар аниқ вақтда кузатиб борилмоқда. Жумладан, 7 912 нафар аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламизда жиноятларнинг оқибати билан курашишга эмас, уларни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлашга ҳамда ўз вақтида бартараф этишга сафарбар қилганмиз.

Дилшод ОТАЕВ,
Урганч туманидаги
“Қумрабод” маҳалласи
профилактика инспектори.

Англаганингиздек, ташвиш ва “SOS” тугмалари фаолиятимизда беминанат ёрдамчига айланди. Бундан ташқари, оилавий келишмовчилик ёки кўп қаватли уйнинг кириш йўлагига спиртли ичимлик истеъмол қилган нотаниш фуқаро борлигини аниқладик. Маълум бўлишича, бу шахс мастлик оқибатида ўзгага тегишли велосипедни ўғирламоқчи бўлган. Шу тарзда жиноятнинг олди олинди.



Аёллар билан индивидуал суҳбатлашиб, ижтимоий, маиший ҳамда психологик ёрдам кўрсатдик. Оилавий низолар, кўп қаватли уйнинг кириш йўлагига спиртли ичимлик истеъмол қилган нотаниш фуқаро борлигини аниқладик. Маълум бўлишича, бу шахс мастлик оқибатида ўзгага тегишли велосипедни ўғирламоқчи бўлган. Шу тарзда жиноятнинг олди олинди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада ким нима билан шуғулланади, маҳаллага кимлар келиб, кимлар кетаяпти, ким сафарда, қўйинги, барча жараён назоратимизда.

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Биламизки, табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузганлик маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни, ерга ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан ўзбошимчалик билан муносабатда бўлиш шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этганидан далолат беради.

ЎЗБОШИМЧА ЭГАЛЛАНГАН
ҲУДУДГА ЖАРИМА БОР!



Фахриёр ПЎЛАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бектемир тумани суди
тергов судьяси.

ойтахтимиз ҳудудларида ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган фуқаролар билан бу борада мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда, бундай ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилмоқда. Масалан, жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси талабларини бузган бир неча нафар фуқарога нисбатан маъмурий жарима тайинланди.

Аниқроқ айтганда, Н.Назирова (исм-шарифи ўзгартирилган) 2023 йилда 309 квадрат метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлиги учун жарима жазосига тортилган. Лекин бундан тегишли хулоса чиқармаган кўринади. Акс ҳолда, у яна 309 квадрат метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олмаган, 50 квадрат метрда иморат қўрмаган бўлади. Бу ўзбошимчалик аниқлаб, қонун олдида жавоб берди. Судда барча жиҳатлар эътиборга олинди. Жумладан, Кадастр агентлиги ходимлари фақат

ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жавобгарликка тортилган, ҳозирда эгаллаб олинган ер майдонини ва қурилмани қонунийлаштириш бўйича ишчи гуруҳига мурожаат қилганини, қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олди. Шунга асосан, аёл эри 2-гуруҳ ногирони экани, оилада ягона боқувчиллигини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Суд Н.Назировани Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топди. Унга базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорда жарима жазоси қўлланилди.



Унга ушбу қарорни ижро этишининг соддалаштирилган тартиби тушунтирилди. Яъни, ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод қилинади.

Бундан ташқари, Кадастр агентлиги ходимлари Д.Азизов Бектемир тумани 2-уй олдида ўзбошимчалик билан 300 квадрат метр ер майдонини эгаллаб олиб, 30 квадрат метр майдонга бино қурганини аниқлади. Суд уни ҳам айбли, деб топди, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорда жарима тайинланди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, ерга ва табиат ресурсларига нисбатан ўзбошимчалик билан муносабатда бўлиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади. Бунга ҳеч қачан унутмаслик керак!

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Шахсий автомобилнинг мажбурий тартибда фойдаланилса...

Абдурашид
НАБИЖОНОВ,
Ховос тумани:

— Баъзи вазиятларда ички ишлар ходими фуқароларнинг шахсий автомобилдан мажбурий тартибда фойдаланиши кузатилади. Аслида, қонунда қандай ҳолларда бунга рухсат берилган?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунга кўра, айрим ҳолатларда ходимлар фуқароларнинг шахсий автомобилдан мажбурий тартибда фойдаланишига рухсат берилди. Жумладан, табиий офат юз берган жойга бориш, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббий муассасаларга етказиш, жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келиш, ҳодиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий тарки-



бини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига бориш учун йўл қўйилади.

Бу ҳолатда транспорт воситасидан фойдаланил-

ганлиги фактини тасдиқловчи ҳамда ундан фойдаланган ички ишлар органи ходимини идентификацияловчи ҳужжат берилди.



Ушбу сон
саҳифаларидаги
барча мақолалар
матнни мусахҳиҳ
Феруза ФУЗАЙЛОВА
ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 847 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: F-520

